

ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ МАЗМУНИ

Каримжонов А.

Педагогика фанлари номзоди.

Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика
институти доценти.

Каримова Г.

Тошкент вилояти Чирчик давлат
педагогика институти талабаси.

АННОТАЦИЯ

Мақолада таълимни ташкил этиш тамойиллари мазмуни тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: таълим, тамойил, ташкил этиш, мазмун, асос, омил.

ABSTRACT

The article discusses the content of the principles of organization of education.

Keywords: education, principle, organization, content, basis, factor.

КИРИШ

“Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг таълим сифатига эришиш йўналишини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПФ-134-сонли Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича Миллий дастур”да таълим тизимининг барча босқичлари қаторида бошланғич таълимни сифатли амалга ошириш ва унинг замонавий талаблар асосидага самарадорлигига эришиш вазифаси қўйилган. Жумладан, бошланғич таълимда янги авлод дарслклари ва ўқув ресурсларини яратиш ҳамда амалга киритиш алоҳида таъкидланган. Шу жиҳатдан бошланғич таълимда таълим жараёнини ташкил қилиш тамойиллари муаммосини тадқиқ этиш долзарб бўлиб турибди.

Бу ўринда эътиборингизни ана шу масаланинг таълимни ташкил этиш тамойиллари мазмуни таҳлилига тортамиз.

“Тамойил” (лотинча “принцип”) атамаси “асос”, “омил” ва “биринчи” маъноларини англатади. Атама сифатида қуидагиларни билдиради:

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

- 1) назария, таълимот ва фан кабиларнинг қонун-қоидаси;
- 2) киши оғишмай амал қиласиган қоида, нұқтаи назар, қараш ва маслак.

Шу жиҳатдан таълимни ташкил этиш тамойиллари мазмуни деганда *бу жараёнда амалга ошириладиган асослар ва негизлар назарда тутилади*. Бизнинг ёндашувимизга кўра, таълимни ташкил этишнинг энг муҳим тамойиллари асосларига таяниш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада бизнинг ёндашувимиз қуидагича:

Мақсадлилик тамойили. Таълимни ташкил этишда мақсадлилик тамойили бирламчи ҳисобланади. Унга кўра, ташкил этиладиган таълим жараёни аниқ мақсадга йўналтирилиши керак. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунида ва таълимга оид бир қатор меъёрий-хуқуқий хужжатларда таълимни ташкил этишда инсонпарварлик мақсади устувор қўйилган. Инсонпарварлик мақсадининг негизида таълим билан барча болаларни қамраб олиш ва уларни саводхон шахслар сифатида вояга етказиш мазмуни мавжуд.

Шу сабабли педагогик илмий-тадқиқотларда таълим жараёнини ташкил этишда мақсадлилик тамойилига алоҳида эътибор қаратилади. Чех педагог мутафаккири Ян Амос Коменский (XVII аср) “Буюк дидактика” асарида “Мақсадлилик – таълим жараёнини ташкил этишнинг пойдеворидир” – деб кўрсатган эди. Айнан мана шу ёндашувдан бошлаб, таълим жараёнини ташкил этишда мақсадлилик илмий характерда тушунила бошланди ва натижада бу тушунча тамойилга айланди. Таълимни ташкил этишнинг мақсадлилик тамойили қуидагиларни қамраб олади:

- а) шахсга билим беришни ташкил этиш;
- б) жамиятни шахсни саводхон қилишга йўналтириш;
- в) шахснинг ўзлаштирганларини холис баҳолаш ва уни фаолиятга йўналтириш.

Шу сабабли таълим жараёнини ташкил этишнинг мақсадлилик тамойили таълимнинг самарадорлигини белгиловчи бош омил ҳисобланади. Мазкур тамойил илмий ва меъёрий-хуқуқий хужжатларда тенг равишда таълимни ташкил этишни асосий талабларидан бири сифатида кўрсатилади. Буларнинг барчаси таълим жараёнини

ташкил этишнинг мақсадлилик тамойилини бўлажак ўқитувчилар томонидан олий педагогик таълим жараёнида ўзлаштиришни тақозо этади.

Таълим бериш тамойили. Унга кўра, мақсадли ташкил этилган таълим жараёнида асосий эътибор шахсга таълим беришга йўналтирилади. Чунки бу тамойил негизида қуидагилар қамраб олингандигини таъкидлаб ўтиш жоиз:

- а) шахсга энг керакли билимлар мажмуини бериш;
- б) шахснинг ижтимоий онгини билимлар воситасида шакллантириш ва ривожлантириш;
- в) шахснинг ўзлаштирган ўз билимларини амалий фойдалана олиш кўникмасини таркиб топтириш.

Эътибор берилса, таълим тамойили ана шу вазифалар ва омилларга таянган ҳолда таълим жараёнини амалга оширишда таянч ҳисобланади ва унинг самарадорлик кўламини белгилайди. Шу сабабли педагогик адабиётларда таълим тамойили “таълим олувчиларга билим бериш, уларда кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш” деб таърифланган.

Таълим жараёнини ташкил этишнинг таълим бериш тамойили бўйича барча педагогик илмий тадқиқотлар ва амалий тажрибаларда ўзига хос ёндашувлар, тавсиялар ҳамда йўналтиришлар бериб ўтилган. Бундан мақсад таълим бериш тамойилининг мазмунини чукур ўзлаштириш ва унга асосан таълим фаолиятида натижага эришишдир. Чунки таълим бериш тамойили негизида шахсни маданийлаштириш, уни ижтимоийлаштириш ва айнан таълим воситасида шахс иқтидорини рўёбга чиқариш мазмунлари мавжуд. Таълим жараёнини ташкил қилишда таълим бериш тамойилига қатъий асосланиш ва унинг мазмунини чукур ўзлаштириш давлат таълим стандартлари ҳамда малака талабларида белгилаб қўйилган. Шу сабабли олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари таълим бериш тамойилининг мазмуни, асослари, мақсад-муддаолари ва талабларини чукур ўзлаштириши тақозо этилади.

Тайёрлаш тамойили. Унга кўра, таълимни ташкил қилиш мақсади ва уни амалга ошириш бўйича таълим тамойилига асосан бу жараёнга маҳсус тайёргарлик кўриш амалга оширилади. Шу жиҳатдан таълимни ташкил этишга тайёрлаш тамойилининг негизлари қуидагилардан иборат:

- а) таълимнинг илмий асослида ташкил этилиши;
- б) таълимнинг методологик асосларга эга бўлиши;
- в) таълимнинг амалий самарадорлик кўрсаткичлари белгиланиши.

Эътибор берилса, тайёрлаш тамойили таълим жараёнининг мақсади ва уни амалга ошириш тамойили учун йўналтирувчи асос вазифасини бажаради. Таълимни ташкил қилишни тайёрлаш тамойили кўп ҳолларда мавзуларни белгилаш, ўқув материалларини аниқлаш, уларни ўқитишнинг механизмларини ишлаб чиқиш ва таълим самарадорлигига эришиш кўрсаткичларини аниқлаштиришга асосланади. Бу тамойил бутун дунё мамлакатлари бошланғич таълим босқичида энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Чунки бошланғич таълимни ташкил қилишда амалга оширилган тайёргарлик жараёни мазкур босқичнинг мазмунини белгиловчи асослардан биридир. Мисол учун, мамлакатимизда ҳар янги ўқув йилидан олдин тайёрлаш тамойилига асосан бошланғич таълим дарсликлари, ўқув жиҳозлари, ўқитиш воситалари ва технологиялари бўйича умуий ўрта таълим мактабларига Республика таълим маркази томонидан тавсия тақдим этиб борилади. Бунинг натижасида ҳар бир янги ўқув йилида бошланғич таълимнинг самарадорлигига эришиш имкониятига эга бўлинади. Шу сабабли олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг таълим жараёнини ташкил қилишнинг тайёрлаш тамойили бўйича кўникмасини юксак даражада шакллантириш тақозо этилади.

Дикқат қилинса, таълимни ташкил этиш тамойилларининг мақсадлилик, таълим бериш ва тайёрлаш каби энг муҳим тамойиллари мазкур жараённинг мазмунини белгилайди. Шу сабабли ушбу тамойиллар бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари томонидан аудитория машғулотларида назарий ўзлаштирилиши ва ҳафталик амалиёт даврида улар синовдан ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Негаки, таълимни ташкил қилишнинг бу тамойиллари назарий ва амалий жиҳатдан уйғунлик хусусиятларига эга.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, олий педагогик таълим жараёнида “таълимни ташкил этиш тамойиллари” номли амалий тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиш кутилган самарани беради. Бундай амалий тугураклар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга ва айни пайтда уларнинг касбий компетенцияларини мақсадли шакллантириш имкониятларини беради.

REFERENCE:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПФ-134-сонли “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича Миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

// www.ziyonet.uz

2. Ҳасанбоев Ж. ва бошқ. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: “Фан ва технология”. 2009. -447 б.
3. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). БОЛАЛАР ПЕДАГОГИКАСИ МАЗМУНИ ВА УНИ КЛАСТЕР УСУЛИДА ЎҚИТИШ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 59-62.
4. Мардонов, Ш. Қ., Жабборова, О. М (2021). БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 142-145.
5. Жабборова, О. М. (2021). БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА КЛАСТЕР УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 63-67.
6. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 68-71.
7. Мардонов, Ш. Қ., Жабборова, О. М (2021). ОЛИЙ БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 119-121.
8. Жабборова, О. М. (2021). ЎҚИТИШНИНГ КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ФАНЛАРИНИ ТАНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(6), 1095-1099.
9. Жабборова, О. М. (2021). БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ ЭЛЕКТРОН-МОДУЛЛИ УСУЛЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(5), 1294-1299.
10. Жабборова, О., Таушупулатова, Д. (2021). Бошлангич синф ўқитувчиларининг малака талаблари. Ekonomika i sotsium, 5(84).
11. Каримжонов, А., Жабборова, О. (2021). Ян Амос Коменскийнинг таълим-тарбияяга оид қараашлари. Ekonomika i sotsium, 5(84).
12. Жабборова, О. М., Ахмедова, Н. Ш. (2021). Бошлангич синф ўқувчиларини миллий ғоя асосида тарбиялаш омиллари. Ekonomika i sotsium, 4(83).
13. Jabborova, O. M. (2021). Systems for The Development of Primary Education in The Process of Higher Pedagogical Education. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(04), 449-453.